

Хизмат кўрсатиш регламенти

«ТВ ва РЭ узаткичларининг ишончли қабул қилиш ҳудудини ўлчаш»

1. Хизматнинг тавсифи

1.1. Хизмат номи

Телевидение (ТВ) ва радиоэшиттириш (РЭ) узаткичларнинг ишончли қабул қилиш ҳудудини ўлчаш ишларини амалга ошириш.

1.2. Хизмат натижаси

ТВ ва РЭ узаткичларнинг ишончли қабул қилиш ҳудудини чегараси аниқланади. Аризачига маълумотлар ўлчов баённома шаклида тақдим этилади.

1.3. Ташкилот хизмат кўрсатиш ва намуна олиш жойи

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг радиочастота органи “Электромагнит мослашув маркази” ДУК аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқишни амалга оширади.

Тавсия этилган намуналар аризачи электрон кўринишда www.cemc.uz сайтдан олиш имконияти мавжуд.

1.4. Хуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги № 725-І сонли “Радиочастоталар спектри тўғрисида”ги Қонуни.

Ўзбекистон республикасининг Адлия вазирлиги томонидан 23.09.2004 йилда руйхатга олинган № 1413 сонли ва ЎзААА бош директорининг 14.09.2004 йилдаги № 305 сонли буйруғи билан тасдиқланган “Радиочастота спектр мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги” низоми;

1.5. Хизмат фойдаланувчилар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахслар.

1.6. Мурожаат этиш муддати

Конунчилик билан мурожаат этиш муддати белгиланмаган.

1.7. Бажариш муддати

Бажариш муддати шартнома асосида.

1.8. Тақдим этишни тасдиқлаш муддати

Ягона порталда рўйхатга олингандан сўнг аризани 3-кун ичида ижро учун қабул қилинади.

2. Хизмат фойдаланувчиларни хабардор қилиш

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Ҳар қандай мурожаат қилган шахсга қуйдаги маълумотларни тақдим этиш кафолатланади:

- хизмат кўрсатадиган ташкилотнинг жойлашган жойи, кўрсатиладиган хизматлар, унинг иш жадвали, ташрифчиларнинг қабул қилиш жараёни (аввалдан телефон орқали ёзилиш, мурожаат куни қабул, жонлик навбат ва ш.к.);
- хизматдан фойдаланиш учун керак бўлган ҳужжатлар рўйхати ҳақида;
- тўлдирилиши керак бўлган бланкаларни олиш усуллари ва тартиби, тўлов тартиби ҳақида;

- хизматдан фойдаланиш жараёни хақида;
- хизмат кўрсатиш муддати хақида;
- хизмат кўрсатиш регламенти борлиги ва регламент билан танишиш усули хақида.

2.2. Кенг хабардор қилиш

Қўшимча маълумот электрон манзилда www.cemc.uz, ва аризачи 230 41 34; 202 61 73 телефон орқали мурожаат қилишлиги мумкин.

2.3. Мурожаат бўйича хабардор қилиш

- шахсан: хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай саволларга оғзаки маслаҳат ва стандарт текст кўринишида ёзма маълумот бериш, давлат божи тўлаш реквизитлари, керакли ҳужжат таркиби 09-00 дан 18-00 гача;
- телефон орқали (2304134): катта ҳажмдаги аниқ маълумотларни узатиш, масалан, давлат божи реквизитлари бўйича ҳар қандай саволларга оғзаки консултация хизматидан фойдаланиш 09-00 дан 18-00 гача;
- факс орқали (2306112): ҳар қандай ёзма мурожаатлар кечаю-кундуз қабул қилинади, ёзма ҳужжатлар бўйича мурожаатларни бериш 09-00 дан 18-00 гача;
- электрон почта: info@cemc.uz.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи бўйича маълумот

Тошкент ш. Нукус кўчаси 22Б. Нукус ва Шевченко кўчаларининг кесишуви, 4 кавватли “Узбектелеком” биноси, 2, 55, 60, 80, 93-сонли автобуслар “94 мактаб” бекати. Мўлжал: 94-сонли ўрта мактаб, Тошкент ш. Миробод тумани Солиқ инспекцияси.

2.5. Ҳужжатларда фойдаланиладиган бланклар (намуна).

Бланк намунаси - №2 иловада

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Иш вақти 09-00 дан 18-00 гача. Дам олиш кунлари: Шанба, якшанба.

3.2. Кутиш шарти

Кутиш шартлари навбат билан белгиланади, агар навбат бўлмаса кутиш даври минимал ҳоллатда.

4. Хизмат кўрсатиш жараёни

4.1. Зарур ҳужжатлар

Эркин шаклда аризачининг хати, телевидения канали ва фойдаланишдаги радиоэшитириш частота номинал кўрсатилган ҳолда.

4.2. Хизмат тўловлари.

Хизмат пуллик шартнома асосида.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

а) Эркин шаклда “ЭМММ” ДУК бошлиғи номига хат (мурожаат).

б) Аризани бажариш учун керакли бўлимга (таркиб) “ЭМММ” ДУК бошлиғининг топшириғи.

в) Хизмат кўрсатишни шартномалаш.

г) ТВ ва РЭ узаткичларнинг ишончли қабул қилиш ҳудудини ўлчов ишларини амалга ошириш.

д) Бажарилган ишлар бўйича ва ҳисоб варақани расмийлаштириш.

4.4. Давлат хизматини амалга ошириш корхонанинг ички босқичлари

Маъсул ходимга ариза узатилиши. Маъсул ходим ўлчов ишларини режалаштириб ва қўшимча ходим ва керакли ускуналар жалб қилади, ва ўлчов муддатларини аризачи билан келишган ҳолатда амалга оширади.

4.5. Рад этиш ҳолати

ТВ ва РЭ узаткичларнинг ишончли қабул қилиш ҳудудини ўлчаш хизматини олиш учун мурожаат қилган шахсга рад этиш ҳолати, (“ЭМММ” ДУК ТВ ва РЭ узаткичлардан ва частоталардан фойдаланиш учун рухсатнома йуқлиги).

5. Сифатни таъминлаш

5.1. Сифат параметрлари


Шартномада белгиланган мудатда ишларни бажариш. Ўлчов ишлари услуби норматив ҳужжатлар ва Давлат стандартлари талабларига мувофиқлиги.

5.2. Сифатсиз хизматлардан шикоятлар

Сифатсиз хизматлар кўрсатилган ҳолатда аризачи сифатни бошқариш хизмати, “ЭМММ” ДУК раҳбарияти, юқори ташкилотларга ёки судга мурожаат қилишга ҳаққи бор.

Илова №1

ТВ ва РЭ узаткичларнинг ишончи қабул қилиш ҳудудини ўлчаш Давлат хизматини тақдим этиш чизмаси.



Ўлчов баённома намунаси

ТАСДИҚЛАЙМАН

(лавозими) (корхона номи)

(имзо) (И.Ш.О)

(сана)

БАЁННОМА № _____ й.
Ишонч қабул қилиш худудини баҳолаш учун майдон
қучланганлигини ўлчаш

1 Узаткич ўрнатилган жойи _____
 (манзил, координатаси)

2 Ўлчалган узаткич маълумоти:

Узаткич тури _____
 (маркаси, тури, ишлабчиқарувчи)

Частота, МГц: _____ № ТВК _____

Узаткич чиқувчи қувватти, kW: рухсат этилган _____ ўлчалган _____
 (қувват ўлчанмаса тулатилмайди)

3 Узатиш антенна тури _____

Узатиш антенна йуналиши, (градус) __ (максимал нурланиш азимутти)

Узаткичдан масофа, km _____

Ўлчов нуқтасининг географик координатлари _____

Узаткич антенасининг баландлиги (m) __ Кучайтитриш коэффициентини
 (dB)

Кутубланиш _____

4 Ўлчов асбоблари ва қўшимча ускуналар

Ўлчов асбоб тури, завод рақами: _____

Ўлчов асбоб охириги қиёсланган санаси: _____

Ўлчов антенна тури _____
 (маркаси, тури)

5. Ўлчов натижалари жадвалда келтирилган № _____ ва харитада
 кўрсатилган _____
 (жадвал ва харита ушбу баённомага илова қилинади)

